

---

## 6 КВли “КОЛЛЕЖ” ЭЛЕКТР УЗАТИШ ТАРМОҒИ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАНДИ

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, узатмаларда юзага келиши мумкин бўлган носозликларни олдини олиш мақсадида жойларда мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, Марғилон шаҳрининг айрим ҳудудларини электр энергияси билан таъминловчи 6 КВли "Коллеж" электр узатиш тармоқлари шаҳар электр таъминоти корхонаси томонидан мукаммал таъмирланди.

Мутахассислар томонидан мазкур таъмирлаш жараёнида носоз изоляторларни янгисига алмаштириш, салқи симларни тортиш ҳамда яроқсиз симларни янгисига алмаштириш ишлари бажарилди.

2023-09-14 17:31:38